

- mintaqaviy darajada mehnat bozorining yoshlar segmenti borasida bandlikka ko'maklashish dasturlarini takomillashtirish, samarali dasturlarni saralab olish;

- yoshlar uchun mintaqaviy munosib mehnat dasturlarini ishlab chiqish;

- yosh ishchilar uchun munosib mehnat tamoyillarini ta'minlashda ijtimoiy sheriklikni rivojlantirish, hududiy shartnomalarga yoshlarni ish bilan ta'minlash, ish haqi, ijtimoiy kafolatlar va xavfsiz mehnat sharoitlarini ta'minlash kafolatlariga yo'naltirilgan jihatlarni kiritish va boshqalar.

Manba va foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023 yil 11 sentyabrdagi PF-158-soni "O'zbekiston — 2030" strategiyasi to'g'risidagi Farmoni, <https://lex.uz/docs/6600413>
2. Одегов Ю.Г., Руденко Г.Г., Бабынина Л.С. Экономика труда. В 2-х т.-М:Альфа Пресс, 2007.
3. Anker R. et al. Measuring decent work with statistical indicators //Int'l Lab. Rev. - 2003. - Т. 142. - С. 147.
4. Pereira S., dos Santos N. R., Pais L. Empirical research on decent work: a literature review. - 2019.
5. Blustein D. L. et al. Decent work: A psychological perspective //Frontiers in Psychology. - 2016. - Т. 7. - С. 190229.
6. Стожко К. П. ПРОБЛЕМА «ДОСТОЙНОГО ТРУДА» В КОНТЕКСТЕ РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНО-ТРУДОВЫХ ОТНОШЕНИЙ //Актуальные проблемы социально-экономического развития. - 2023. - С. 96-104.
7. Абдурахмонов К. Мехнат иқтисодиёти. Назария ва амалиёт //Архив научных исследований. - 2020.
8. Абдурахманова Гулнора Каландаровна, Рустамов Достонбек Жамшид Угли Достойный труд в системе политики занятости // International scientific review. 2019. №LXVII. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/dostoynyy-trud-v-sisteme-politiki-zanyatosti> (дата обращения: 26.03.2024).
9. https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-/-europe/-/-ro-geneva/-/-ilo-lisbon/documents/event/wcms_667247.pdf
10. Abduraxmonov Q.X. Mehnat iqtisodiyoti: Nazariya va amaliyot / Darslik. Qayta ishlangan va to'ldirilgan 3-nashri. T.: O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi "FAN" nashriyot davlat korxonasi, T.: 2019. 419-bet.
11. O'zbekiston Respublikasining Konstitusiyasi, <https://lex.uz/docs/6445145>
12. O'zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi, <https://lex.uz/docs/6257288>
13. Decent work pilot programme [Электронный ресурс].: <http://www.ilo.org/public/english/bureau/dwpp/> ILO. 1999 . Report of the Director-General: Decent work // International Labor Conference, 87th Session, Geneva: <http://www.ilo.org/public/english/standards/realm/ilc/ilc87/rep-i.htm>
14. ILO Declaration on Fundamental Principles and Rights in the Field of Labor and a Mechanism for Its Implementation, Adopted at the LXXXVI Session of the International Labor Conference, Geneva, 18 June 1998// https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/ed_norm/declaration/documents/normativeinstrument/wcms_763311.pdf
15. Abduraxmonov Q.X. Mehnat iqtisodiyoti: Nazariya va amaliyot / Darslik. Qayta ishlangan va to'ldirilgan 3-nashri. T.: O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi "FAN" nashriyot davlat korxonasi, T.: 2019. 424-bet.
16. Abduvoxidov A., Kamilova S. INSON KAPITALI VA IQTISODIYOTNING INNOVATSION RIVOJLANISHINI TADQIQ ETISHDAGI YONDASHUVLAR //Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil. - 2023. - Т. 1. - №. 4. - С. 12-21.



ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ЖАРАЁНИДА ИНСОН КАПИТАЛИГА ҚИЛИНГАН ХАРАЖАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ

Раббинов Жаҳонгир Рустамович
Бизнес ва тадбиркорлик олий
мактаби магистри,
"UzGasTrade" АЖ бўлум бошлиғи

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a13

Аннотация. Ушбу мақолада инсон капиталига қилинадиган харажатларга назарий қарашлар, бу турдаги харажатлар институционал иқтисодиёт қўлланиладиган тушунчаларининг қайси сарасига киритилиши, инсон капитали учун харажатларнинг салбий ва ижобий жиҳатлари, трансформациянинг келиб чиқиш сабаблари, бу борада иқтисодчи олимлар қарашлари, трансформация жараёнлари асосий жиҳатлари ва инсон капиталига қилинадиган харажатлари билан боғлиқ бўлган масалалар ёритиб берилган. Шунингдек, институционал трансформация жараёнда инсон капиталига қилинган харажатлар бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: инсон капитали, институционал иқтисодиёт, трансакцион харажатлар, трансформация, трансформация харажатлари, институт, чегаравий ўзгаришлар, Коуз теоремаси, боқимандалик муаммоси, бюджет маблағларини исроф қилиш, дeterminант (аниқловчи).

ЗНАЧЕНИЕ И НЕОБХОДИМОСТЬ ЗАТРАТ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В ПРОЦЕССЕ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ ЭКОНОМИКИ

Раббинов Джахонгир Рустамович

*Магистр Высшей школы бизнеса и предпринимательства,
начальник отдел АО "UzGasTrade"*

Аннотация. В данной статье рассмотрены теоретические взгляды на затраты на человеческий капитал, как эти виды затрат включены в концепции институциональной экономики, отрицательные и положительные стороны расходов на человеческий капитал, влияние трансакционных издержек на процессы институциональной трансформации, причины трансформации. Освещены взгляды экономистов на этот счет, основные аспекты трансформационных процессов и проблемы, связанные с расходами на человеческий капитал. Также разработаны предложения по расходам человеческого капитала в процессе институциональной трансформации.

Ключевые слова: человеческий капитал, институциональная экономика, трансакционные издержки, трансформация, трансформационные издержки, институт, предельные изменения, теорема Коуза, проблема безбилетника, мягкое бюджетное ограничение, детерминант (определятель).

THE SIGNIFICANCE AND NECESSITY OF HUMAN CAPITAL COSTS IN THE PROCESS OF INSTITUTIONAL TRANSFORMATION OF THE ECONOMY

Rabbinov Jakhongir Rustamovich

Master's degree from the Graduate School of Business and Entrepreneurship, Head of the Department of the "UzGasTrade" Joint Stock Company

Abstract. This article discusses theoretical views on the costs of human capital, how these types of costs are included in the concepts of institutional economics, the negative and positive aspects of the costs of human capital, the influence of transaction costs on the processes of institutional transformation, and the reasons for the transformation. The views of economists on this matter, the main aspects of transformation processes and problems associated with spending on human capital are covered. Proposals have also been developed for the expenditure of human capital in the process of institutional transformation..

Keywords: human capital, institutional economics, transaction costs, transformation, transformation costs, institution, change in the margin, Coase theorem, free rider problem, soft budget constraint, determinant.

Кириш. Сўнгги йилларда иқтисодиёт-нинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш, инвестициявий жозибадорлик ва ишбильармонлик фаоллигини ошириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш ҳамда ижтимоий соҳа ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Иқтисодиётнинг ўсиши инсон капитали ривожи, унга сарфланадиган харажатлар самараси билан чамбарчас боғлиқ. Инсон капиталига сарфлар билим ва кўнікмаларни мустаҳкамлаш, иқтисодий тафаккурнинг ўсиб бориши билан нафлийкни оширишнинг иқтисодий қиймати сифатида янги истеъодларни яратишнинг асосий омили ҳисобланади.

Инсон капитали концепциясида одамларни ва уларнинг қобилиятини (ўз хатти-ҳаракатларини ҳам) иқтисодий жиҳатдан фойдалироқ бўлган йўналишга ундаш орқали корхона ва ташкилотларда қиймат яратиш

ресурси сифатида қараш керак. Инсон капитали, одатда, ходимларнинг тажрибаси, маълумоти, билими ва кўнікмалари даражаси билан баҳоланади ва ижтимоий-иктисодий жараёнларда амалга ошаётган институционал трансформация таъсирида кечади. Шу нуқтаи назардан, инсон капиталини институционал трансформация жараёнларининг асосий обьекти сифатидаги ролини очиб бериш долзарб аҳамият касб этади.

Адабиётлар шарҳи. Ҳозирга қадар институционал иқтисодиёт олимларининг илмий изланишлари ва иқтисодиётнинг институционал трансформациясини таҳлил қилиш бўйича хориж олимлари бир қанча тадқиқот ишларида иқтисодиётнинг реал ҳолатини ўзаро таъсирида ўрганиш ва соҳаларни ривожлантириш бўйича концепциялар ва турли тавсиялар ишлаб чиқиш масаласига эътибор берганлар.

Институционал иқтисодиёт бўйича

қарашларни биринчи бўлиб Торштейн Веблен (1857-1929 йй.) ўзининг илмий ишларида қўллаган. Т.Веблен ўзининг биринчи ва энг нуфузли бўлган "The Theory of the Leisure Class: An Economic Study of Institutions" – "Дам олувчи синфининг назарияси: институтларни иқтисодий ўрганиш" китобини ёзган (1899 й.) [2]. Мазкур китобда Т.Веблен капитализм шароитида одамларнинг муваффақиятни намойиш этиш усули сифатида ўз бойликларини намойиш этиш мотивациясини таҳжил қилиган. Китобда асосий мавзу – одамларнинг ҳашаматли дам олишини кўз-кўз қилишлари танқид қилинган.

Институционал трансформация жараёнлари, Д.Норт таъкидлаганидек, "Институционал ўзгаришлар ўта мураккаб жараён бўлиб, чегаравий ўзгаришлар (change in the margin) амалдаги қоидалар ўзгаришлар натижаси бўлиши, бу эса асосан, норасмий чекловлар, ижроси мажбурий бўлган қоидалар ва самарали бўлган чекловлар сабаб бўлиши мумкин" [3]. Д.Норт институционал ўзгаришларни технологик ўзгаришлар билан бир қаторда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг асосий детерминантлари деб атайди [3]. Д.Нортнинг сўзига кўра, асосий институционал ўзгаришлар аста-секин содир бўлиб, институтлар идивидуал (соҳа ва тармоқ) хулқатворидан (аҳволидан) келиб чиқиб шаклнадиган тарихий ўзгаришлар натижаси сифатида қаралади [3].

Д.Норт ёндашуви бўйича иқтисодиёт тармоқларида институционал трансформациянинг тўлиқ ва ҳар томонлама таҳлили муайян шартларга риоя қилиш зарурлигига олиб келади. Хусусан, сиёсий институтлар (Президент, қонун чиқарувчи орган, хукумат), агар улар ўзгармаслигидан манфаатдор ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланса, амалдаги ҳолат барқарор бўлиб қолаверади. Чунончи, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш учун институционал тизим ўзгариши керак, хулқатвор нормаларининг замонавийлашиши ва қўллаб-қувватловчи ва легаллаштирувчи янги қонунларни жорий қилиш узоқ жараён бўлиб, бунда рағбатлантириш механизми бўлмаса, тармоқ ва соҳалар фаолияти барқарор бўлиши мумкин эмас, қисқа муддатга қатъий режалар остида иқтисодий ўсиш мумкин, аммо узоқ муддатда бу қонунлар ва қоидаларни ишлаб чиқишини талаб қиласди, норасмий чекловлар (асосан, қисқа муддатларда) нокулай ёки бекарор вазиятларда ҳам иқтисодий ўсишни таъминлаши мумкин.

Иқтисодиётнинг институционал трансформацияси жараёнида инсон капиталига қилинган харажатларни ўргангандан, Коуз (Coase) Рональд (1910 й., Уилсден, Буюк Британия) — америкалик иқтисодчи олим илмий ишлари алоҳида ўрин тутади (1991 йилда Нобель мукофоти лауреати бўлган). Трансакцион харажатлар атамасининг ўзи илгари Р.Коузнинг "Фирмалар табиати" асарида келтирилган ва шартномалар тузиш билан боғлиқ харажатларни, яъни маълумот тўплаш ва қайта ишлаш, музокаралар ва қарорлар қабул қилиш, шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва хукуқий ҳимоя қилиш харажатларини англашиб қайд этилган[4]. Р.Коуз ўзининг "Коуз теоремаси"ни асослаб берган ва унинг янги институционал иқтисодиётнинг позициясидан келиб чиқсан ҳолда "ноль транзакция харажатлари билан бозор ҳар қандай ташки таъсирга дош бера олади" деб айтган. Шуни таъкидлаш керакки, Р.Коуз теоремаси қўлланишда қўплаб ҳолатлар мавжуд. Бу музокаралар имконсиз ёки жуда қимматга тушганда (масалан, шартнома ёки низода кўп сонли томонлар иштироки) содир бўлганда муҳимдир [5].

Теорема биринчи марта 1966 йилда Жорж Стиглер томонидан қуйидагича тузилган: "Агар мулк хукуқлари аниқ белгиланган бўлса ва трансакцион харажатлар нолга teng бўлса, унда мулк хукуқларини тақсимлашдаги ўзгаришлардан қатъи назар, ресурсларни тақсимлаш (ишлаб чиқариш таркиби) ўзгаришсиз ва самарали бўлиб қолади". Стиглернинг сўзлари 1960 йилда нашр этилган Роналд Коузнинг "Ижтимоий харажатлар муаммоси" мақоласига асосланган эди [6].

Исландиялик иқтисодчи Трайн Эггерсон "Коузнинг умумлаштирилган теоремаси"ни ишлаб чиқди. Унга кўра, "Иқтисодий ва сиёсий соҳаларда битимлар учун харажатлар нолга teng бўлса, мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва ривожланиши, асосан, мавжуд хукумат турига боғлиқ бўлмайди" [7]. Бироқ трансакцион харажатлар ижобий бўлса, унда мамлакат ичидаги ҳокимиятни тақсимлаш ва унинг қонун чиқарувчи органларининг институционал тузилиши унинг ривожланишнинг энг муҳим омилидир". Роберт Элликсон "Хукуқсиз тартиб. Кўшнилар низоларни қандай ҳал қилишади" асарида Калифорния штатидаги Шаста округидаги чорвадорлар ва дехқонлар мисолида Р.Коуз теоремасидан фарқли ўлароқ, жамиятлардаги қўшнилар (мулқдорлар ва бошқа иқтисодиётда фаол

иштирокчилар) хуқуқий меъёрларни эътиборсиз қолдириб, амалдаги норасмий ижтимоий меъёрлар фойдасига ҳал қилишга келишиб олишлари кўпроқ наф келтириши, бундан ташқари ер ва мулқдан фойдаланишда янада самарали натижаларга эришишини кўрсатиб берган [8].

Роберт Элликсон “Хуқуқсиз тартиб” китобида мажбурий кучга эга бўлган қонунлар одатдагига нисбатан анча кам аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Одамларнинг хатти-ҳаракатлари, асосан, норасмий назорат воситалари, яъни давлат ёки бошқа марказлаштирилган координатор иштирокисиз юзага келадиган ижтимоий меъёрлар билан муовификлаштирилади. Хуқуқшунослик, иқтисодий назария, социология, ўйинлар назарияси ва антропологиянинг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда, Эллисон мажбурий кучга эга бўлган қонунлар ёрдамисиз инсонларнинг ўзаро тартибли ҳамда муваффақиятли амалга оширишини ўрганади. Элликсон норасмий ва хуқуқий қоидаларнинг ўзаро таъсирини, шунингдек, рақобатдош тизимлардан фойдаланадиган соҳаларни ўрганади. Ҳақиқий дунёни ўрганишга қатъий асосланиб, муаллиф ўзаро манфаат учун одамларнинг ўзаро таъсирининг умумий назариясини тақдим қиласди.

Инсон капиталига харажат ҳақида гап кетганда, иқтисодиётдаги асосий муаммолардан бири боқимандалик муаммоси (инг. free-rider problem, рус. эффект безбилетника) ҳисобланади [9]. К.Р.Макконнелл ва С.Л.Брю сўзларига кўра, боқимандалик муаммоси бўлинмас товарлар ва хизматлар харажатларини ўз зиммасига олганларнинг ушбу товарлар ва хизматлардан фойда кўрганлардан тўловни ололмаслиги, чунки бу ҳолда истисно қилишнинг имконияти йўқлиги ҳисобидан адолатли тақсимотни амалга ошира олмаслини англатади[10]. Инсон капиталига харажатлар қилишда бюджет маблағларини исроф қилиш (ингл. Soft Budget Constraint, SBC, рус. Мягкое бюджетное ограничение) ўта хавфли ҳисобланади. Бюджет маблағларини исроф қилиш иқтисодиётга зарба бўлиб, иқтисодий агентлар тўловга лаёқатсизлик хавфи билан боғлиқ ечимларни топадилар, бундай вазиятда молиявий ёрдам ташқаридан берилишини кутишади. Ушбу атама биринчи марта иқтисодий адабиётга 1979 йилда режали иқтисодиёт шароитида корхоналар хатти-ҳаракатларини ўрганиш жараёнида Янош Корнаи томонидан киритилган [11].

Таҳлил ва натижалар. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш

жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг I блокида “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш” бўйича 44 та мақсад ва унга доир 2030 йилгача эришиладиган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичлари белгиланган ва бу эса стратегик мақсадларга эришишда инсон капиталини ривожлантириш долзарбилигини ифодалайди [1].

Институционал трансформация жараёнларидаги масалалар ўз ечимини топишида инсон табиати ва инсон капиталига қилинган харажатларнинг роли маълум даражада ўрганилган. Институционал ўзгаришлар жамиятларнинг вақт ўтиши билан қандай ривожланишини белгилайди ва шу билан тарихий ўзгаришларни тушунишнинг қалити сифатида қараш мумкин. Институционал ноаниқлик қанчалик юқори бўлса, трансакция харажатлари шунчалик юқори бўлади [3]. Иқтисодиётнинг фаолияти кўп жиҳатдан иқтисодий қонунларни шакллантирадиган, самарали мулк ҳуқуқларини яратадиган ва таъминлайдиган ҳамда ривожланиш сиёсатига таъсир кўрсатадиган давлат тузилиши билан белгиланади.


Институционал трансформация тушунчиси ва бу борадаги изланишлар ўтган асрнинг охирларида кўпроқ ўрганила бошланди. Институционал олимлар ёндашувларини таҳлил қилиш асосида қўйидаги муаллифлик таърифини келтирамиз. Институционал трансформация жамият ҳаётидаги ички ва ташқи янгиланишларни англатиб, нуфузга эга бўлган асосий қадриятлар ва эътиқодларнинг ўзгаришини, шунингдек, муайян иш натижаларига олиб келадиган қоидалар ва тартибларнинг жорий этилишида намоён бўлувчи муносабатлар йиғиндисидир. Институционал трансформация жараёнларида инсон омили ва инсон капиталининг сифат жиҳатдан ўзгариши асосий ўрин тутади.

Институционал трансформация жараёнлари ноаниқликдан аниқлик ва таҳлил қилиш маҳсулидан келиб чиқади ва инсон капиталига қилинган харажатлар ўта муҳим аҳамият касб қиласди. Институционал ўзгаришларнинг технологик ўзгаришлар билан бир қаторда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг асосий детерминантлари (аниқловчи) ҳисобланишини инобатга олган ҳолда инсон капиталига қилинган харажатлар жамиятларнинг вақт ўтиши билан қандай ривожланишини

белгилайди ва шу билан тарихий ўзгаришларни тушунишнинг қалити сифатида қараш мумкин.

Мазкур масалага яна ҳам чуқурроқ назар соладиган бўлсак, дунёни ўзгартериш (трансформация) бўйича Аристотель, Демокрит ва бошқа қомусий олимлар, ўтган аср олимларининг илмий изланишларида **вақт** (ўтмиш,

ҳозир, келажак), **макон** (баландлик, кенглик, чуқурлик), **моддият** (суюқлик, қаттиқлик, газ) – учлиқдан ташкил топган таркибларда (элементларда) ўзгаришлар содир бўлиши ҳисобидан трансформация пайдо бўлишини таъкидлаш мумкин (1-расм).



1-расм. Трансформациянинг фундаментал асослари ташкил топиши [12]

Манба: муаллиф томонидан тайёрланган.


Бу учлиқдан ташкил топган таркиблар бирининг таъсири ортиши ҳисобидан бошқаларининг таъсири камайиши ёхуд вақт, макон, моддиятнинг ўзаро таъсири камайиши/куча-иши ҳисобидан ўзгаришлар содир бўлиши мумкин бўлади. Институционал иқтисодиётда трансформация жараёнлари, асосан, институтларнинг табиатидан келиб чиқиб ўзгаришлар содир бўлади ва бу борада ҳам кўплаб олимларнинг илмий изланишларидан келиб чиқиб, асосан учга бўлиш мумкин. Яъни: сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалар институтларнинг табиатини белгилайди. Биламизки, институционал ўзгаришлар – сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалар (*инқирозга юз тутиши, турғунлик, жонланиш, ривожланиш ва бошқа ҳолатлар*) ўзаро таъсири кўплаб омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг қайси бири кўпроқ таъсир кўрсатиши олимлар ва эксперталарнинг тортишувига сабаб бўлмоқда. Бунда ОАВда эълон қилинаётган ахборотлар ва рейтинглар ҳақидаги маълумотлар иқтисодий, ижтимоий ёки сиёсий вазиятни турли даражада баҳолашга ва маълум маънода одамларнинг маълумотлар оқимига тушишига олиб келиши мумкин. Бу эса инсонларни турли гуруҳларга бўлинган ҳолда рақобат ёки ҳамкорлик қилишга ундей-

ди. Институционал трансформация жараёнларининг илмий изланишга кўра ечимини топишга ҳаракат қилаётган масалалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- аввал бор бўлган ва ҳозирда йўқ бўлиб кетган институтлар;
- амалда мавжуд бўлган институтлар;
- ўзгариш содир бўлиши мумкин бўлган институтлар;
- ўзгараётган институтлар;
- келажакда ўзгаришлар ҳисобидан пайдо бўладиган институтлар.

Институционал трансформация жараёнларида инсон капиталига қилинган харажатлар ўта муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, иқтисодиётдаги ўзаро муносабатларда келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиш учун сарфланган харажатлар трансакцион харажатлар ҳисобланади.

Бизнингча, юқоридаги олимларнинг изланишларидан кўриниб турибдики, инсон капиталига қилинган барча харажатларни трансформация харажатлари деб эътироф этсак бўлади. Ундан кейин қилинган барча харажатларни трансакцион харажатлар сарасига киритиш мумкин.



2-расм. Институтлар ва институционал трансформация жараёнларининг ташкил топиши
Манба: муаллиф томонидан тайёрланган.

Агар шахс онгли равища жамият манфаати, хусусан, инсон капиталига харажатлар қилишни истамаса, ҳеч қандай тўловсиз фойда олишни кутиши ҳисобидан боқимандалик муаммоси пайдо бўлади.

Инсон капиталига харажатлар қилишда боқимандалик муаммо сифатида қўйида келтирилган маълум шароитларда шаклланади:

- ресурс ҳамма томонидан баҳам кўрилган ва ҳамма учун бепул бўлганда;
- ҳар бир инсон ресурсни чексиз миқдорда истеъмол қилиши мумкин бўлганда;
- ҳеч бир сабаб истеъмолини камайтира олмаса, яъни истеъмолни камайтиришга рағбатлантириш омиллари мавжуд бўлмаса;
- ресурс ишлаб чиқариши ва уни сақлаши бир томонлама бўлганда.

Боқимандалик муаммоси шаклланиш сабаблари

- Ресурс ҳамма томонидан баҳам кўрилган ва ҳамма учун бепул бўлганда
- Ҳар бир инсон ресурсни чексиз миқдорда истеъмол қилиши мумкин бўлганда
- Ҳеч бир сабаб истеъмолини камайтира олмаса, яъни истеъмолни камайтиришга рағбатлантириш омиллари мавжуд бўлмаса
- Ресурс ишлаб чиқариши ва уни сақлаши бир томонлама бўлганда

3-расм. Боқимандалик муаммоси шаклланиш сабаблари

Манба: муаллиф томонидан тайёрланган.

Мазкур шароитлар табиий йўл билан эмас, балки кимдир ўз зиммасига сунъий йўл билан асосиз эҳтиёжларни важ қилган ҳолатларда юзага келади. Инсон капиталига харажатлар қилинишидаги ижобий томонларидан бири шундаки, ҳар бир жамиятдаги баъзи одамлар ўзларинингadolатли улушларини тўлаш масъулиятини ҳис қилишларини намойиш этадилар. Инсон капиталига харажатларни ҳисоблашда турли услугбий ёндашувлар мавжуд. Хусусан, АҚШлик олим Ж. Кендрик томонидан инсон капиталига харажатларни статистик усулда ҳисоблаш таклиф қилинди. Унга кўра, инсон ривожи учун қилинган инвестициялар, жумладан, қилинган барча харажатларни киритиши таклиф қиласди [13].

Ушбу услуг мавжуд бўлган кенг ва ишончли статистик маълумотлар асосида Америка Кўшма Штатлари учун қулай эканлигини исботлаб берган. Ж.Кендрик инсон капиталига харажатларини ҳисоблашда болаларни меҳнатга лаёқатли ёшга етгунга қадар тарбиялаш ва маълум бир мутахассисликни олиш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, соғлиқни сақлаш, меҳнат миграцияси, оила ва жамият харажатларини киритди.

Мазкур усулни мамлакатимиз мисолида ҳам кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси бюджетининг 2020-2023 йиллардаги ижтимоий соҳа харажатларини кўриб чиқиши маъқул деб топдик (4-расм).



4-расм. 2020-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг бюджет ҳаражатлари ва ундан ижтимоий ҳаражатларининг улуси (трлн. сўмда)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

2021 йилда Давлат бюджети ҳаражатларининг 48,9 %ини ижтимоий соҳа ҳаражатлари ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 28,5 трлн. сўмга ошган ҳолда 92,01 трлн. сўмга ижро этилган. 2022 йилда Давлат бюджети ҳаражатларининг 49,7 %ини ижтимоий соҳа ҳаражатлари ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 25,6 трлн. сўмга ошган ҳолда 117,7 трлн. сўмга ижро этилган. 2023 йилда Давлат бюджети ҳаражатларининг 50,4 %ини ижтимоий соҳа ҳаражатлари ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 66,4 трлн. сўмга ошган ҳолда 129,9 трлн. сўмга ижро этилган.

Мазкур ижтимоий соҳа ҳаражатларининг асосий қисми таълим соҳасига йўналтирилган. Юқори ишонч ҳисси, ижобий ўзаро муносабат ва жамоавий бурч туйғусининг жамланмаси (комбинацияси) улар ўзларинингadolатли улушларини тўлаш ҳисобидан инсон капиталига катта ҳисса қўшадилар. Бунга, асосан, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш, диний ва миллий урф-одатларга кўра

бегараз қилинадиган ёрдамлар, хорижий ташкilotлар ва молия интитутлари томонидан бериладиган техник ва молиявий кўмакларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Инсон капиталига ҳаражатлар қилинда салбий томонларидан бири сифатида халқаро илмий доираларда “бюджет маблағларини исроф қилиш”ни (ингл. Soft Budget Constraint, SBC, рус. Мягкое бюджетное ограничение) мисол қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2024 йилда макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишини таъминлаш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишида давлат бюджетининг 2023 йил учун ҳаражатлари 257,7 трлн. сўм миқдорида амалга оширилган бўлиб, мазрук ҳаражатларнинг 1,2 триллион сўмлик ёки 0,5 фоизи ноқонуний ҳаражат ҳамда 200 миллиард сўмлик камомад ва ўғриликларга йўл қўйилгани аниқланганилиги таъкидлаб ўтилди [15].

Масалан, Жиззах политехника институтида ҳақиқатда ишламаган 110 нафар фуқароға, қарийб 10 миллиард сўм иш ҳақи ҳисобланиб, ноқонуний ўзлаштирилган.

Наманган, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари “Ягона буюртмачи хизмати” компаниялари 18 та обьектда амалда бажарилмаган 50 миллиард сўмлик ишларни ҳисботларга қўшиб ёзган.

Сергели ободонлаштириш бошқармасида аслида ишламаган ходимларга 4,3 млрд. сўм тўланган.

Кўшработ таълим бўлими бухгалтери томонидан 3 миллиард сўм нақд пул ва 1,5 миллиард сўм маблағ пластик карта орқали ноқонуний ўзлаштирилган.

“Ўзгидромет” раҳбарияти бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан асоссиз 1,3 миллиард сўм ссуда олган, шунингдек, ўzlари га бир неча карра кўп мукофотлар ёзиб келган.

Бунда харажатлар ва даромадлар ўртасидаги қатъий муносабатлар заифлашганда юзага келишини англатади. Асосан, харажатларнинг даромаддан ошиб кетиши бюджет муассасаси учун, одатда, давлат томонидан тўланади. Бюджет маблағларини исроф қилишнинг молиялаштириш манбаи корхонани қатъий белгиланган бюджетда ушлаб туришнинг иложи бўлмаса, яъни корхона самарали деб ҳисоблаган йўналишлар бўйича кўпроқ субсидия, грант маблағлари ёки кредит олиши мумкин бўлганда юзага келади. Бу эса иқтисодиётда трансакция харажатларининг ошишига ва институтларнинг трансформацияси ўта заиф ва зарарли бўлишига олиб келиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса ўрнида иқтисодиётнинг трансформация жараёнларида инсон капиталига лозим даражада харажатлар қилиш ҳамда иқтисодий қонунларга риоя қилинса, институтларнинг трансформация жараёнлари аниқ, кутилмаларга мос равишда ўтиши ҳамда кўп жиҳатдан натижали бўлишига олиб келиши мумкин.

Институционал трансформация жараёнлари трансакция харажатлари билан боғлиқ ҳолда кечади. Агар трансакция харажатлари ноқонуний ўзлаштиришлар даражасининг юқорилигига алоқадор бўлса, трансакция харажатлари пинҳоний ўзлаштиришларни яширин қоидага айлантириб қўяди. Натижада коррупциявий ҳолатлар расман танқид қилинса-да, пинҳоний ўзлаштириш қоидаси зимдан қабул қилингани боис, ижобий ўзгаришлар содир бўлмайди. Шу билан бирга, кўп жиҳатдан ривожланиш йўналишлари шаклланиши ва келажакда бўлиши мумкин бўлган низолар чиқишининг олдини олишга зарурат туғилади. Трансакцион харажатлар инсонлар учун иқтисодий наф олиб келмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, институционал трансформация жараённада инсон капиталига қилинган харажатларнинг амалга оширилишида асосий эътибор қўйида-гиларга қаратилишини тақозо қиласди ва таклиф этилади:

- ✓ инсон капиталига қилинган барча харажатларни трансформация харажатлари деб эътироф этиш ва ундан кейин қилинган барча харажатларни трансакцион харажатлар сарасига киритиш мумкин;
- ✓ инсон капиталига харажатлар ҳисобидан трансакцион харажатларни камайтириш мумкин;
- ✓ инсон капиталига харажатлар қилинишида боқимандалик муаммоси пайдо бўлиб қолмаслигига катта эътибор бериш;
- ✓ инсон капиталига харажатлар қилинда бюджет маблағларини исроф қилишнинг олдини олиш зарур.

Иқтисодий трансформация жараёнлари инсон капитали, қадриятлар, қоидалар ва ўзгараётган тартиботлар доирасида жамият, худуд, корхона-ташкилот, оила ва инсон шахсини сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиши мумкин бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида” 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли фармони. <https://lex.uz/docs/6600413>
2. Bain, Jonathan. 2008. Thorstein Veblen (1857-1929) “Conspicuous Leisure”. Social Philosophy (Spring 2008) (PL 2044). Polytechnic Institute of New York University. Retrieved 2021 May 11.
3. Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. / Пер. с англ. А.Н.Нестеренко, пред. и науч. ред В.З.Мильнера. – М.: Фонд экономической книги «Начала», 1997. С. 8, 17, 21, 113.
4. Коуз Р. Природа фирмы // Теория фирмы. / Под ред. В. М. Гальперина. – СПб.: Экономическая школа, 1995. С. 11-32. Серия «Вехи экономической мысли». ISBN 5-900428-18-4 (англ. The nature of the firm, 1937).
- Coase, Ronald. The Nature of the Firm. // Economica, Vol. 4, No. 16, November 1937.
5. Coase, Ronald. The Problem of Social Cost. // Journal of Law and Economics, v. 3, n 1 pp. 1-44, 1960.
6. Stigler G. The theory of price. / G.Stigler. New York: Macmillan & Co, 1966. – 214 p.

7. Eggertsson, Thrainn. *Economic behavior and institutions*. – Cambridge: Cambridge University Press, 1990.
8. Роберт Ч. Элликсон. Порядок без права: как соседи улаживают споры [Текст]. / Пер. с англ. М.Марков (предисловие, введение, части I и III, приложение) и А.Лащев (часть II); науч. ред. перевода Д.Кадочников. – М.: Изд-во Института Гайдара, 2017. – 520 с. ISBN 978-5-93255-468-5.
9. Самуэльсон П.Э. Принцип максимизации в экономическом анализе. / Нобелевская лекция, прочитанная в Стокгольме 11 декабря 1970 г. – М.: THESIS, 1993, вып. 1. (англ. Maximum Principle in Analytical Economics, (Free Rider Economy theory) 1972).
10. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика: [рус.] = *Economics: Principles, Problems, and Policies*. – М.: Республика, 1992. Т. 1. С. 99-100. ISBN 5-250-01486-0.
11. Kornai J. *The soft budget constraint: An introductory study to Volume IV of the life's work series*. // *Acta Oeconomica*. 2014. № 64 (S1). P. 25-79. doi:10.1556/AOecon.64.2014.S1.2 ISBN 978-5-7598-0990-6.
13. Кендрик Дж. Экономический рост и формирование капитала. Вопросы экономики, 1976, № 11. Кендрик Дж. Совокупный капитал США и его функционирование. – М.: Прогресс, 1976.
14. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий сайти:
https://admin.openbudget.uz/media/post_attachments/fuk_2019_ijro.pdf
https://admin.openbudget.uz/media/post_attachments/bfc2020_uz.pdf
<https://openbudget.uz/api/v2/info/file/fb2aaee2c187f92cef365d3cdf0107a>
https://api.mf.uz/media/filestore/%D0%98%D0%91_2022_uz_comp.pdf
<https://openbudget.uz/api/v2/info/file/fa2342ea7aedb354fc8d0e68ef66a017>
15. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti matbuot kotibining rasmiy kanali:
https://t.me/Press_Secretary_Uz/3698



QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI MEHNAT BOZORI RIVOJLANISH DINAMIKASINING STATISTIK IQTISODIY TAHLILI

*Rahimboyev Muxtorbek Ikrom o'g'li
Toshkent xalqaro moliyaviy boshqaruv va
texnologiyalar universiteti o'qituvchisi*

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a14

Annotatsiya. Maqolada Qoraqalpog'iston Respublikasi aholisini ish bilan ta'minlash, mehnat bozorini yaratish va ishsizlikning oldini olish muammosi, ijtimoiy-iqtisodiy tizimimiz taraqqiyotidagi o'zgarishlar, bozor iqtisodiyotiga xos bo'lgan ijtimoiy munosabatlarga o'tish, inson omili rolining ortib borishi, izlanish yo'nalishlari, mehnat salohiyatini samarali shakllantirish va ulardan foydalanishni aniq baholash bo'yicha xorijiy olimlarning tadqiqotlari va ularga muallif yondashuvi to'g'risida bayon etilgan. Bundan tashqari tadqiqot ishida Qoraqalpog'iston Respublikasi ishchi kuchi ishtiroki darajasi (IKID)ning mehnat bozorida iqtisodiy faoliyatini modellashtirishda chiziqli bo'limgan vaqt seriyalari modellaridan foydalanish, respublikaning aholi bandligi ko'p omilli ekonometrik tahlillari amalga oshirilib, natijalar bo'yicha xulosa va takliflar to'g'risida fikrlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: transformatsion iqtisodiyot, bozor konyunkturasi, ishchi kuchi ishtiroki darajasi, yalpi hududiy mahsulot, asosiy kapitalga o'zlashtirilgan investitsiyalar, korxona hamda tashkilotlar soni.

СТАТИСТИКО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ДИНАМИКИ РАЗВИТИЯ РЫНКА ТРУДА РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН

*Рахимбоеев Мухторбек Икрамович
преподаватель Ташкентского международного университета
финансового менеджмента и технологий*

Аннотация. В статье рассматриваются проблемы обеспечения занятости населения Республики Каракалпакстан, создания рынка труда и предотвращения безработицы, изменения в развитии нашей социально-экономической системы, переход к общественным отношениям, характерным для рыночной экономики, а также возрастающие роль человеческого фактора. Изложено об исследованиях зарубежных учёных и авторском подходе к ним по эффективному формированию трудового потенциала и точной оценке его использования. Кроме того, в исследовательской работе были использованы нелинейные модели временных рядов при моделировании экономической деятельности на рынке труда уровня экономической активности Республики Каракалпакстан, проведен многофакторный эконометрический анализ занятости населения республики. проведены работы, по результатам сделаны выводы и предложения.

Ключевые слова: трансформационная экономика, рыночные условия, уровень экономической активности, валовой региональный продукт, инвестиции в основной капитал, количество предприятий и организаций.